

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 354-ҳадис

وَعَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنْ أَبِي بَكْرٍ الصِّدِيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ مَوْفُوفًا عَلَيْهِ أَتَهُ قَالَ: إِنْ قَبُوا
مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي أَهْلِ بَيْتِهِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ. [3713]

Мәннү: (إِنْ قَبُوا): رَأْءُوهُ وَاحْتَرِمُوهُ وَأَكِرِمُوهُ.

Ибн Умар розияллоҳу анхумо Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анху дан мавқуф ҳолатда қилган ривоятларида, у киши:

«Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтлари риоясинаң қилинглар», дедилар.

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Шу мавзуга оид қуиддаги ҳадислар ҳам келган.

Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳга, сизга ғизо қилиб берган неъматлари учун муҳаббат қилинг. Менга, Аллоҳнинг муҳаббати или муҳаббат қилинглар. Менинг муҳаббатим учун аҳли байтимга муҳаббат қилинг», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифда бўлса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтларига бўладиган муҳаббат ўзи бўлмаслиги, у муҳаббат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига бўлган муҳаббатга, у эса ўз навбатида Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатга уланиб кетиши ҳақида сўз кетмоқда.

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Сизга аҳли байтингиздан қай бирлари маҳбуброқ?» деб сўралди. Бас, у зот:

«Ҳасан ва Ҳусайн», дедилар.

У зот Фотимага:

«Менга ўғилларимни чақириб қўй!» дер эдилар ва иккиларини ҳидлаб, бағриларига босар эдилар».

Термизий ривоят қилган.

Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг аҳли байтлари қанчалик улуғ мақомга эга эканини ўтган ҳадиси шарифлардан билиб олдик. Ўша улуғ мақом соҳиблари ичидан у зотга энг маҳбублари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн розияллоҳу анхумо экани уларнинг фазилатлари олий даражада эканига далолатдир. Бу олий даражага иккиларидан бошқа инсон боласи сазовор бўла олмаслигини таъкидлаб ўтиришга ҳожат ҳам бўлмаса керак.

Манба: hadis.islom.uz

